



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 15 январь, № 10 (6445)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



Университет биносининг замонавий қиёфаси

Корақалпоғистон Республикаси

Бердақ номидаги Корақалпоқ давлат университетининг бош биноси мукамал таъмирдан сўнг замонавий қиёфага эга бўлди. Бунинг учун 13 миллиард 150 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Иншоот тўлиқ илғор ўқув-услу-

бий ускуналар билан таъминланди. — Реконструкция ишлари жорий йилда ҳам давом этади, — дейди университет ректори М. Жуманов. — Қўшимча бинолар, ахборот-ресурс маркази, талабалар тураржойини капитал таъмирдан чиқариш, янги спорт мажмуини бунёд этиш ҳам кўзда тутилган.

Хидоят АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қишда ҳам баҳор ҳосили

Андижон

Вилоят фермерлари аграр соҳа мутахассислари билан биргаликда қиш фаслида очқ майдонларда қарам етиштириш тажрибасини синовдан ўтказишмоқда. Хусусан, ўтган ёз мавсуми низоҳида Асака, Булоқбоши, Жалақудук туманлари даладарига унинг «Тундра» ва бошқа дургай навлари экинган эди. Ҳозир низоҳлар парвариши агрономлар томонидан алоҳида назорат қилиб борилаёпти.

Айтиш жоизки, мазкур навлар совуққа чидамли, -13 даража ҳароратда ҳам яхши ривожланади. Шу боис февраль ойидаёқ ҳосилни йиғиштириб олиш кўзда тутилмоқда.

— Экспортбоп қарам парвариши кам меҳнат талаб қилади, — дейди вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Абдумутал Сулаймонов. — Бу эса унинг таннархи арзонлашади, дегандир. Қолаверса, қўлдам келиши билан ҳосилдан бўшаган майдонларда бошқа экинларни етиштириш мумкин.

Саидахмад ШУКУРОВ.

«Жондор чашмаси» туҳфаси

Бухоро

2015 йилда «Жондор чашмаси» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар тури 14 тага етди.

— Фаолиятимизни 2008 йилда бошлаганмиз, — дейди Жондор туманидаги мазкур корхона раҳбари, «Шухрат» медали соҳиби М. Тошева. — Чекка қишлоқларда сутни қабул қилиш пунктлари ташкил қилдик ва шу орқали хом ашё таъминоти масаласи ҳал

бўлди. Хориздан замонавий технологик линия сотиб олиб, пишлоқ, қаймоқ, сариёғ, твороғ, қатик каби суг маҳсулотлари ишлаб чиқараёмиз. Ун саккизта иш ўрни яратганмиз. Ўтган йили умумий даромадимиз 1 миллиард сўмдан ошди. Тадбиркор аёл келгусида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ҳамда уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали корхона фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪТИРОФ

Мустақил ривожланиш йиллари давомида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни таъминлайдиган изчил ҳамда ўсувчан механизмлар тизими яратилди, бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам алоҳида ўрин тутди.

«Ўзбекистонда фуқаролик институтлари салоҳиятини ҳаётга татбиқ этиш учун яратилган шароитлар диққатга сазовордир»

Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги тажрибаси хорижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Билдирилаётган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар ва баҳолар ҳам республикада қабул қилинаётган чоратadbirlарнинг самарадорлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Масалан, яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий форумининг яқунлари Европа экспертлари доирасида ўзининг акс садосини берди.

Жумладан, «Brussels Diplomatic» газетаси муҳаррири Оливер

Бульо юртимизда жамоат ташкилотларининг самарали фаолияти учун зарур шароитларни яратишга йўналтирилган тегишли ҳуқуқий базанинг шакллантирилганини юқори баҳолади.

— Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни, мамлакатни либераллаштириш ва давлат бошқарувини модернизациялашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ҳамда тизимли ишлар амалга оширилаётгани қувонарли ҳолдир, — деди у. — Бунинг

натijasида ўтган йиллар мобайнида республикада нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадриятларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланди. Шуниси ҳам эътиборга моликки, ҳозирги пайтда уларнинг ўз салоҳиятларини ҳаётга татбиқ этиши, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш учун зарур бўлган шароитлар яратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).


Фаровонлик қадри

Мамлакатимизда миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан жойларда маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар, концерт дастурлари бўлиб ўтапти.

ИФТИХОР

Анъанага мувофиқ, 14 январь куни Мустақиллик майдонида Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазириликлари, Миллий ҳавфсизлик

хизмати, Давлат божхона қўмитаси вакиллари тантанали тарзда саф тортиди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради.



Истиқлол — улугъ неъмат. У ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритилмаган. Кўпни кўрган, ҳаётнинг оғир синов ва мураккаблиklarини бошдан кечирган халқимиз буни жуда яхши англайди, теран ҳис қилади. Шу боис ҳам ҳар бир юртдошимиз бугунги фаровон кунларни қадрлаб, шўқроналар айтади, мустақиллиқни асраб-авайлашни ўзининг муқаддас бурчи, деб билади.

(Давоми 2-бетда).

ЮКСАК МАРРАЛАРГА ИНТИЛГАН АВЛОД



Халқимиз азалдан фарзандлар бахту иқболини ўйлаб, уларнинг истиқболи учун қайғуриб яшашга одатланган. Қувонарлиси, мустақиллик йилларига келиб ана шу эзгу анъаналар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Таълим-тарбия тизими тубдан ислох қилинди. Албатта, бу борадаги изчил саъй-ҳаракатлар замирида, энг аввало, баркамол авлод орзуси мужассам.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Бу ҳақда гап кетар экан, ўғил-қизларимизни маънан ва jisмонан етук қилиб вояга етказиш, Ўзбекистонимизни дунёга янада кўпроқ танитишда спортнинг ўрни ва аҳамияти беқийсизлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Бугун жаҳон ареналарида Ватанимиз байрогини баланд кўтарётган, элу юртимиз доврўгини

оширишга муносиб ҳисса қўшаётган эртаимиз давомчилари ютуқларини кўриб, бунга тақрор-тақрор ишонч ҳосил қилаётибди.

Ушбу соҳада давлатимиз томонидан яратиб берилётган шарт-шароитлар Тошкент вилоятилик мингмиглаб спортсевар ёшларга ҳам юксак шижоат, куч-ғайрат бағишламоқда. Аини кунда худудда 200 миң нафардан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шўғулланаётир. Замонавий ва кўркам иншоотлар улар ихтиёрида.

(Давоми 3-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

МУХОЛИФ ФРАКЦИЯЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Депутатлар бугунги кунда республикада бухгалтерия ҳисобининг яхлит тизимини ташкил қилиш бўйича вазифаларни самарали ҳал этиш имконини берувчи ҳуқуқий асослар яратилганига алоҳида эътибор қаратдилар. Бундан ташқари, мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари, ҳусусан, 23 та Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, 50 дан ортиқ норматив ҳужжатлар билан ҳам тартибга солиб келинмоқда.

Парламент аъзолари таъкидладиларки, ҳозирги вақтда амалдаги қонуннинг айрим нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда, шу боис ушбу қонуннинг қўриб чиқиши ва қабул қилиниши долзарбдир.

Фракция аъзоларининг қайд этишича, замонавий шароитда, аввало, бухгалтерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг касбий даражасини оширишга, қолаверса, бухгалтерия ҳисоби соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштиришда уларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган мустаҳкамлаш долзарб бўлиб қолаётир.

Шу билан бирга, ХДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳасининг айрим нормалари юзасидан ўзларининг алоҳида нуқтаи назарини билдириб, умуман

олганда, қонунлар лойиҳаларини расмийлаштиришнинг юридик-техник талабларига тўлиқ жавоб беришини инobatга олиб, Демократик кучлар блокнинг қонунни янги тахрирда қабул қилиш борасидаги таклифини қўллаб-қувватладилар. Бунда фракция аъзолари қўрилаётган масаланинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг муҳим соҳаларига тааллуқлилигини ҳисобга олиб, қонун лойиҳасининг кенг жамоатчилик, бухгалтерларнинг профессионал бирлашмалари, молчилар, иқтисодчилар, бизнес вакиллари ва ҳўжалик субъектларининг жалб этган ҳолда ҳар томонлама муҳокамасини ташкил қилишни илгари сурдилар. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари ва вазифаларига ҳам мос келади.

Шу куни «Адолат» СДП фракциясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу қонун лойиҳасида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасидаги қўшимчалар киритишдан асосий мақсад — эскирган нормаларни қайта қўриб чиқиш, шунингдек, уни қонунчиликдаги янги талаблардан ва ҳўжалик субъектларининг замонавий шароитдаги фаолиятдан келиб чиққан ҳолда янги нормалар ва қоидалар билан тўлдиришдир.

(Давоми 2-бетда).

Тинчлик ва осойишталик — ЭНГ УЛУҒ МАҚСАД

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида аскар ва сержантлар, ҳарбийларнинг шарафли хизмати юксак эътироф этилиб, ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислохотлар дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли,

мамлакатимизнинг ҳавфсизлиги ва худудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг қўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугун Қуролли Кучларимизни профессионал асосда шакллантириш, пировардида юртимизда осудалиқни асраш, жамият барқарорлигини таъминлаш борасида Президентимиз раҳнамо-

лигида олиб борилаётган одилона сиёсат аҳолининг фаровон ҳаёт кечирishi учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Бинобарин, ушбу соҳадаги ислохотларнинг энг муҳим натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув тамомила ўзгарганида ҳам яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Она юртга садоқат ҳарбийларимизнинг қатъий иродаси ифодасидир

Бугун тинчлик ва осойишталик энг азиз, бебаҳо неъмат эканини тобора чуқур ҳис қилмоқдамиз. Истиқлол йилларида барча соҳада эришилаётган натижаларнинг эълон қилиниши, мамлакатимизда осойишталикни сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мустақиллик шарофати билан ўз мудофаа сиёсатини амалга ошириш имкониятига эга бўлган Ўзбекистоннинг миллий армиясига асос солинди. Конституциямизда Қуролли Кучлар Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва худудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилиши белгилаб

қўйилди. «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, миллий армиямизнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Қуролли Кучларда амалга оширилган ислохотлар самарасида мамлакатимиз мудофаа қобилияти юксалди. Мусаффо осмонимиз, юртимиз ҳавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини ҳимоя қилишга қодир армиямиз шаклланди.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ



МУХОЛИФ ФРАКЦИЯЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Бошланғич 1-бетда). Бунда, фракция аъзолари қонун ташаббусига эга субъект томонидан таклиф этилган бухгалтерия ҳисоби объекти...

Депутатларнинг фикрига кўра, ҳодимлар ўртасида ҳар қайси соҳада бухгалтерия объектининг кирими, уларнинг басқаниши, улардан фойдаланиш ва расмийлаштириш борасидаги вазифаларнинг аниқ тақсимланиши, қолаверса, ўзаро назорат тизимининг ўрнатилиши улар ўртасида...

Шу билан бирга, фракция аъзолари, қонунчилик техникаси қондаларига риоя қилган ҳолда Демократик кучлар блокнинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш таклифини долзарб, деб ҳисобламайди.

Депутатлар, буларнинг барчаси ҳужалик юривчи субъектлар даражасида олиб борилаётган ислохотларда муҳимлиги, бу эса адолат тамойилининг асоси эканлигини қайд этдилар. Бинобарин, бугунги кунда замонавий ишлаб чиқаришни тўғри бухгалтерия ҳисобисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Зиёда АШУРОВА.

«Ўзбекистонда фуқаролик институтлари салоҳиятини ҳаётга татбиқ этиш учун яратилган шароитлар диққатга сазовордир»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда). Шу ўринда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишида фаол қатнашишни истаган мамлакат аҳолисини ўз атрофида бирлаштиришга даъват этилган Ўзбекистон экологик ҳаракати фаолиятининг муҳимлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бу соҳадаги қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича ҳамда маҳаллий, минтақавий ва умум-башарий миқёсдаги экологик муаммоларнинг ҳал этилишида...

Бугунги кунгача мамлакатда экологик муаммоларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича салмоқли тажриба тўпланди, атроф-муҳит муҳофазасида ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги 20 дан орტიқ қонун ва 130 та бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат бўлган мустақам қонунчилик базаси шаклланди.

Республикада «Экологик назорат тўғрисида» ҳамда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш жараёнларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтиришга кўмаклашади.

«Жаҳон» АА.
Брюссель

Ватан ҳимоячилари шарафланди

Истиклол йилларида ҳарбийлик том маънода шарафли касбага айланди. Бу мазкур тизимда амалга оширилаётган илчил ислохотлар, соҳа вакиллари учун яратилаётган беқиёс имконият ва имтиёзлар самараси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан жойларда бўлиб ўтган байрам тадбирларида ҳам ушбу жиҳатлар алоҳида эътироф этилиб, юксак масъулиятли вазифага муносиб ҳисса қўшаётган аскар ва сержантлар, офицерлар шарафланди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида байрам иштирокчилари эрта тондан Нукус шаҳридаги Хотира майдонида жам бўлдилар. «Мотамсаро она» монументи пойига гулчамбарлар қўйилди. Шундан сўнг Бердақ номидаги Қорақалпоғ давлат музыка театрида тадбирнинг асосий қисми бўлиб ўтди.

Ҳарбий хизматчилар, тизим фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган тантанали маросимда сўз олганлар барчани айём билан муборакбод этди. Қуролли Кучлар сафида йигитлик бурчини ўташ мустақиллик йилларида хар бир ёш учун шон-шараф ишига айланган, ҳарбий хизматчилар давлатимиз эътибори ва ғамхўрлигини доимо ҳис этиб туришгани алоҳида таъкидланди.

Тинчлик ва осойишталик – ЭНГ улғу мақсад

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш, нафақат фахрли бурч, балки юксак шон-шарафга айланди. Барча ота-оналар ўз фарзандлари воёга етгач, уларнинг Қуролли Кучлари ҳисобига сафарларида хизматни ўташини ният қилишади. Чунки замонавий жанговар техник қуролларни мукаммал эгаллаган йигитларимиз миллатнинг, юртининг ифтихори бўлишаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб туримиз.

Президентимиз табриқнда, шунингдек, ҳозирги кунда жаҳон миқёсида, айрим давлатлардаги таҳликали ҳолат таҳлил этилиб, юзага келаётган ана шундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият барчамиздан юқори даражадаги оғоҳликни сақлаш ва доимий тайёргарлик ҳолатида бўлишни, миллий армиямизни янада ислоҳ этишга қаратилган эътиборни кучайтиришни, уни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшнларнинг жанговар тайёргарлиги самарасини оширишни, қисқача айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти...

Ушбу наъбатида, ушбу жараёнда депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юкланмоқда.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлаш, бу борадаги қонунчиликда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш олдимизда турган гоёт муҳим вазифадир. 2015 йилда парламентнинг мазкур қўмитаси томонидан ушбу соҳага оид қонунлар ва бир қатор қонуноти ҳужжатларининг тизимли инвентаризациядан ўтказилиб, унинг натижаларига қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг белгилангани мазкур вазифага амалга оширишга хизмат қилиши, шубҳасиздир. Зеро, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун шарт-шароит яратишга оид чора-тадбирларни янада кучайтириш бугунги кунда ҳаётини заруратдир.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

Она юртга садоқат

ҳарбийларимизнинг қатъий иродаси ифодасидир

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ҳарбий таълим соҳасини ривожлантириш, муддатли ҳарбий хизматга қақирувни ташкил қилиш, Қуролли Кучларимиз таркибини салоҳиятли кадрлар билан тўлдирish, қўшнларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлашни такомиллаштириш боробарида, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳам тўдан яшилди. Қолаверса, Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан яратилган қулайлик ва имкониятлар ҳарбий хизматнинг нуфузини янада ошириб, соҳада соғлом рақобат муҳитини қарор топтиришга, миллий армиямизни жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан етук ёшлар билан кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Айни пайтда шиддат билан ўзаро бораётган бугунги замон мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш борасида олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил

этилатилиши билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриғида мазкур вазифалар аниқ ва пухта қўрсатиб берилди. Хусусан, ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатлари мутлақо эид бўлган, ёт ва бузғунчи гоёларни жамиятига ҳаётга турли йўллар билан сингдирishга қаратилган уринишлар кучайган, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгига эгаллаш учун кескин кураш кетаётган бир шароитда ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳарбий хизматгача бўлган ёшдаги фарзандларимизни тарбиялаш ва уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш борасидаги ишларнинг роли ва ўрни ортиб бораётганини қайд этимди. Ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўлған тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, қақирққ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш долзарб аҳамиятга эга. Урни келганда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати

Гулчехра САТТОРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

Фаровонлик қадри

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Дарҳақиқат, истиқлолнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. У биз учун улкан имкониятлар эшигини очиб берди. Одамларимиз кўксига шамол тегди, елкаси офтоб кўрди. Эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга бўлган чин истак-хоҳиш пайдо бўлиб, келажакка ишонч туйғуси уйғонди. Миллий анъана ҳамда қадриятларимиз қайта тикланди, аждоқларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Ўз наъбатида, бошланган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари туфайли шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, замонавийла-

шиб бораётди. Таълим муассасалари, йўллар, кўприқлар, спорт мажмуалари барпо этилаётган. Қисқаса, инсон бахтли яшashi учун нимаки зарур бўлса, барчаси муҳайё қилинмоқда. Мамлакатимиздаги энг табаррук масканлардан бири — Мустақиллик майдонига ташириб буюрганмишда, ҳаёлимиздан беихтиёр ана шу фикрлар ўтади. Шундай дориламон кунлар сароҳатидан баҳрамандлигимиз, ҳаётимиздан рози бўлиб, эртанги кунга ишончимиз мустақамлигининг энг муҳим омил — бу, шубҳасиз, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикдир. Миллий армиямиз эса



ўз асраб-авайлашининг ишончи кафолати саналади. Зеро, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриғида эътироф этилгандек, «Биз чорак аср мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислохотлар дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва

Саиджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбирини.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Қисқа сатрларда

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб ҳаваскор кўшиқчилар ўртасида «Мардлар қўриқлайди Ватани!» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «Ватанпарварлик — олий қадрият» деб номланган давра суҳбати ўтказилди. Унда ўз Ватани, халқига содиқ бўлиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, юртимиз тинчлиги ҳамда ободлиги йўлидаги ислохотларда фаол иштирок этиш барчаннинг муқаддас бурчи эканлиги таъкидланди.

● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Таянчим ва сунъим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида «Буюк келажакимиз посбонлари» танлови уюштирилди. Қўриқда «Академия ширвозлири», «Замонавий йигитлар», «Ватан қалқонлари», «Мардлар» ҳамда «Юртга содиқ ўғлонлар» жамоалари аъзоларининг билим ва маҳорати синовдан ўтказилди.

● «Истиклол» санъат саройида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун «Қор маликаси» театллаштирилган томошаси намойиш қилинди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

да сўзга чиққан фахрийлар, жамоат ташкилотлари ва соҳа вакиллари мустақил мамлакатимизнинг мустақам таъинига айланган Қуролли Кучларимиз, унда амалга оширилаётган ислохотлар хусусида батафсил тўхтадилар. Шундан сўнг байрам доирасидаги тадбирлар Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номидаги вилоят музыкали драма театрида давом этди. Унга таклиф этилган аскар ва сержантлар, офицерлар, Қуролли Кучлар фахрийлари ҳамда вилоят жамоатчилиги вакиллари эътиборига концент дастури намойиш қилинди. Якунда хизмат бурчини шараф билан ўтаётган аскар ва офицерлар, ёшлари муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашда фаол иштирок этаятган мустақамлардан бир гуруҳига вилоят ҳокимлигининг совғалари топширилди.

Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриғида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг таянчи ва сунъичи бўлган замонавий ҳарбий хизматчилар тимсолида биз аввалам-бурч чукор билим ва интеллектуал салоҳиятга, ўз муқаддас ҳарбий бурчини бажариш йўлида қатъий ирода ва мустақам тайёргарликка эга бўлган, она-юртимизга садоқатли, мард ва фидоий инсонларни кўрамиз ва улар билан ҳақли равишда фахрланамиз, деб алоҳида таъкидлаб ўтилди. Навоий вилоятида ўз хизмат бурчинини ўтаётган ўғлонларнинг юксак ақл-заковати, жисмоний ва маънавий қоби-

лиятини кўриб, бунга яна бир қарра амин бўлиш мумкин. Улар орасида давлатимизнинг юксак муқофотларига сазовор бўлган, Қуролли Кучларимиз тизимида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган турили кўрик-танловлар голиблари ҳам бор.

Навоий шаҳридаги «Фарход» маданият саройида бўлиб ўтган тантанали тадбирда ҳарбийлар матонати яна бир бор эътироф этилиб, бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ватан ҳимоячилари кўни миллий армиямиз сафида ўз йигитлик бурчини адо этаётган самарқандлик йигитлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда яқинлари учун қўшалоқ қувонча айланди. Яъни байрам арафасида Регистон майдонидан Самарқанддаги ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар билан уларнинг оналари учрашуви ўтказилди. — Тошкент шаҳридан келдим, — дейди ўзини Одина Аҳмедова деб таништирган онахон. — Уғлим Достонжон Ҳикматиллаев болалигидан ҳарбий либос кийишни орзу қиларди. Мана, Тошкент транспорт коллежини тугатгач, мақсадига етди. Яна бир ойдан сўнг у уйга қайтади. Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг олий ўқув юртида тахсил олмақчи. Унга ҳавас қилиб, укаси, кичик фарзандим Сироҳиддин ҳам коллежини тугатгач, муддатли ҳарбий хизматга бориш ниятида.

Мазкур тадбир доирасида вилоят расмолари ҳамда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти талабалари томонидан аскарларнинг портретлари чизилиб, уларга совға сифатида тақдим этилди. Байрамнинг асосий тантаналари эса Самарқанд шаҳридаги «Дийёра» мажмуида бўлиб ўтди. Ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган ушбу маросилда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар вилоят ҳокимлиги совғалари билан тақдирланди.

Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган байрам тадбирлари Бухорода ҳам ўзгача руҳда ўтди. Вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирган ҳарбий-ватанпарварлик фестивалини бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

— Ушбу тадбир биз, ёшлар учун унутилмас дақиқаларга бой бўлди, — дейди ўзини Шаҳзодек Муродиллаев деб таништирган ўсмир. — Ҳарбий қисмлардаги аскарлар ҳаёти билан танишуви, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқшилари, миллий бадийий фильмлар намойиши, спорт муборакблари — буларнинг барчаси Қуролли Кучларимиз тўғрисидаги тасавуруларимизни янада бойитди. Мақсадим — ҳарбий учувчи бўлиш. Фестиваль доирасидаги тадбирлар ниятимизни янада қатъийлаштирди.

Айёмга бағишланган асосий тадбир вилоят музыкали драма театри биносида бўлиб ўтди. Ватан ҳимоячилари кўни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги Сирдарё вилоятида ҳам кенг тантана қилинди. Ҳарбий қисмлар, таълим муассасалари, маҳаллаларда «Таянчим ва сунъим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида суҳбатлар, учрашувлар ўтказилди. Гулистон давлат университети талабалари эса ушбу санада бағишланган «Жасорат дарслари»да фаол иштирок этидилар. Гулистон шаҳрида ўтказилган асосий шодидеялар Хотира майдонидаги «Мотамсаро она» монументи пойига гулчамбар қўйилган бошланди. Сўнгра Олим Ҳўжаев номидаги вилоят музыкали драма театри биносида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бир гуруҳ вакиллари диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан Фарғонадаги «Истиклол» стадиони 15 миңдан зиёд ёшлар билан тўлди. Бу ерда ҳарбий қисмлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари махсус отрядлари томонидан тайёрланган кўргазмали чиқиш томошабинлар олқишларига сазовор бўлди. Шунингдек, санъат усталари ижросидаги дўстлик, тинчлик, она-Ватани мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, дилрабо рақслар барчага кўтаринки кайфият улашди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ўзига хос шарт ва талаблари бор. Аввало, ишбилармон сифатида давлат рўйхатидан ўтиш, сўнг харидорлар эҳтиёжларини чуқур ўрганиб, пухта бизнес-лойиҳа тузиш зарур. Ўз навбатида, унинг рўёби сармоёга бориб тақалади. Бу борада кўмакка шай молия муассасаларида кредит ажратиш шартлари ва фойз ставкалари турлича. Улар орасидан ўзингизга мақбулини танлаб олиш учун

ҳар бири билан танишиб чиқишингиз даркор. Навбатдаги босқичда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўналишидаги фаолиятингизни йўлга қўйишда алоҳида бино ёхуд шохобчага эҳтиёж сезасиз. Тегишли идора ва ташкилотлар руҳсати билан ишга киришганингизда, солиқ хизматиغا мурожаат қилиш ҳам талаб этилади. Олдинда эса тегишли хом ашё ва технологиялар хариди билан боғлиқ масалалар ечими турибди...

«Бир дарча»дан ўн олти хизмат

риш, барча турдаги рўйхатга олиш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, турли давлат хизматларидан фойдаланишни янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Шу мақсадда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизда «бир дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича Ягона маркалар ташкил этилиб, улар жорий йилнинг 1 январидан ўз фаолиятини бошлади.

ментларидан бири бўлиб, улар давлат органлари билан тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида электрон ҳамкорликни кенгайтиришда қўл келади. Ҳозирча ушбу маркалар орқали тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тегишли маслаҳат ва ахборот бериш, шахсн тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш, гувоҳнома ҳамда сертификатлар олиш сингари ўн олти турдаги хизматлар кўрсати-

шаҳри ҳамда Пастдарғом туманида шундай муассасалар фаолиятини ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида Адлия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида семинар ташкил этилган. Тадбир давомида иштирокчилар бу тадбиркор амалга оширилган маъмурий жараёнларнинг соддалаштирилганига, ишбилармонларга хизмат кўрсатиш бўйича қатор қулайликлар яратилганига гувоҳ бўлишди.

— Уч йилдан бунён тадбиркорлик билан шуғулланаман, — дейди Тилмас Файзиев. — Хусусий корхонамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида Самарқанд шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекция-

си негизда ташкил этилган «Бир дарча» марказига мурожаат қилдим. Мутахассислар жуда қисқа муддатда тегишли давлат идораси, муассасага йўналтирилади ҳамда унинг жавоби шу марка орқали тақдим этилади. Бинобарин, фуқаро Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам электрон мурожаат этиш имкониятига эга.

Дарҳақиқат, бугунги кунда «Бир дарча» маркалари тегишли тартибда жиҳозланган ва маълум мутахассислар билан таъминланган. Яқинда Самарқанд



Нефть нархининг кескин тушиб кетиши Буюк Британиянинг «BP» компаниясини мураккаб ахволга солиб қўйди.

Ноқулай вазиятдан чиқиш чораси

Шу туфайли у яқин икки йил ичида 4 мингта иш ўрни қисқартирилишини маълум қилди. Утган сешанба куни брент типидagi «қора олтин»нинг бир баррели нархи 31 АҚШ долларигача пасайиб кетганди. Кўплаб таҳлилчилар бу борадаги прогнозлар янада салбий кўриниш олиши мумкинлигини айтишмоқда.

Йилдан йилнинг фарқи

Дунё авиасаноати етакчиларидан бири — «Boeing» концерни ўтган йили мижозларга 762 та лайнер етказиб берган.



Бу 2014 йилдаги нисбатан 39 донага кўпдир. Жорий йилда эса 768 та буюртма келиб тушган. Лекин бу кутилганидан кам эканлиги айтилмоқда. Унинг рақиби «Airbus» (Франция) компаниясининг бу борадаги натижалари ҳозирча номаълум.

Кутилганидек эмас


Жанубий Кореянинг «Samsung Electronics» концерни туртинчи чоракни кутилганидек яқунлай олмади. Ушбу даврда унинг даромади бор-йўғи 0,5 фоизга кўпайган.



Экспертларнинг айтишича, дунёнинг турли худудларида кузатилаётган мураккаб иқтисодий вазият туфайли жорий йил смартфонлар ва хотира чиплари ишлаб чиқарувчиларнинг барчаси учун қийин келади. Масалан, Осиё брендининг асосий рақиби — «Apple» (АҚШ) компанияси биринчи чоракда «iPhone» етказиб бериш ҳажмини 30 фоизга камайтиришни режалаштирмоқда. Унинг бир дона акцияси баҳоси ҳам охириги беш ойда илк марта 100 доллардан тушиб кетди.

Масъулиятсизлик оқибати

Альп тоғининг Франция худудидаги Ле Дез-Альп чағни қурортида ҳалокат рўй берди. Бу ҳақда «Евроњњ» телеканални хабар тарқатди.



Лион шаҳридаги Антуан де Сент-Экзюпери лицейининг бир гуруҳ ўқувчилари ўқитувчиси ҳамроҳлигида экскурсияга чиққан пайтда, қор кўчкиси кузатилган. Оқибатда

икки нафар ўсмир ҳалок бўлган. Қолганлар зарар кўрмаган. Аниқлинишича, гуруҳ раҳбарининг қўпол хатоси туфайли ана шу фожиа келиб чиққан. Гап шундаки, у керакли нарсалар билан таъминланмаган болаларни учити таққиланган трассага олиб борган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

GRUZHSHINA.UZ САМЫЕ НИЗКИЕ ЦЕНЫ

ГАРАНТИЯ КАЧЕСТВА



Товары сертифицированы Услуги лицензированы
Тел. (+99871) 250-07-40.
Факс (+99895) 170-32-52.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси **Илёс ЗОҒИДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жамоаси Кредит операциялари департаменти ходими Нурия Баймуратовага отаси **Дусёр БАЙМУРАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Физиология кафедрасининг доценти Ҳабибулла Ахроровага отаси **Ҳамидулла АХРОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ГАМХЎРЛИК

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни байрамига бағишлаб ташкил этилган «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида хизмат бурчини адо этиш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига манзилли моддий ёрдам кўрсатиш, соҳада фаолият олиб бораётган аёлларни рағбатлантириш ва ҳарбий қисмларда маънавий-маърифий учрашувлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Касаба уюшмалари — ҳарбийларга

Жумладан, Самарқанд гарнизони офицерлар уйида «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шiori остида ўтказилган анжуманда сўз олганлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»-ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Қуролли Кучларимизда ташкилий-ҳуқуқий негизи яратилгани, миллий армиямизни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими тубдан янгилангани таъкидланди. Билим ва иқтидори билан барчага ўрнатилган, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатаётган ҳарбий хизматчилар касаба уюшмалари томонидан муносиб рағбатлантирилди. Айни чоғда 10 нафар ҳарбий аёлга замонавий маънавий техника жиҳозлари берилди.

Андижон шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида ташкил этилган акция доирасидаги маросимда ўз билан ва иқтидорини билан барчага ўрнатилган, мардлик ҳамда жасорат намуналарини кўрсатаётган ҳарбийлар ва соҳада самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан рағбатлантирилди. Соғлом она ва бола йили муносабати билан ҳарбий аёлларга замонавий уй-ўрғор буюмлари топширилди. Ўз хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, вилоятда энг намунали, деб топилган ҳарбий қисмга касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари берилди.

Мазкур акция доирасида Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан ҳарбий қисмларда ва меҳнат жамоаларида турли кечалар ўтказилди. Уларда юртимиз тинчлиги ва осейишталлигини асраб-авайлаш муқаддас бурч эканлиги таъкидланди.

«Миллий армиямиз — гуруримиз, ифтихоримиз!» мавзусидаги учрашув ва давра суҳбатлари Мирзаобод туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ва Гулистон шаҳридаги қурилиш, уй-жой коммунал хизмат касб-хунар коллежида ҳам бўлиб ўтди. Айниқса, давлат муқофотларига сазовор бўлган ҳарбий хизматчилар — О. Исмоилов ва Ш. Бўриев иштирокидаги суҳбатлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Бундай анжуманлар юртимизнинг бошқа худудларида ҳам ташкил этилди.
Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЮКСАК МАРРАЛАРГА ИНТИЛГАН АВЛОД

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўтган қисқа даврда воҳалик ёшларнинг 300 дан зиёди жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлгани ҳам бу соҳадаги ислохотлар юксак самара бераётганини яққол ифодалайди.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ерда 265 нафар ўқувчи замонавий фан асослари билан бирга, футбол силрини ҳам чуқур ўрганишмоқда. Муассасада 50 дан ортиқ педагог, жумладан, 13 мураббий, 10 нафар фан ўқитувчиси, 30 га яқин тарбиячи фаолият юритаётган. Улар орасида олий тоифали футбол ҳакамлари, юртимиз олий лига жамоаларида тўп сурган чарм тўп усталари ҳам бор.

Ҳар йили мактабни тамомлаётган ўнлаб ёшларнинг аксарияти мамлакатимизнинг нуфузли футбол жамоалари сафидан ўрин олмоқда. Масалан, айни пайтда пойтахтнинг «Бунёдкор» клубида тўп сурётган Қасимов Абдунабиев, Улуғбек Сулаймонов, «НБУ Осиё» жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган Ориф Абдуғаниев айнан шу таълим даргоҳида таҳсил олган.

— Спорт жисмоний етуқлик, маънавий баркамоллик омилдир, — дейди мактаб-интернат психологи Сардор Зарипов. — Чунки жисмоний тарбия

инсонда жасорат ва мардлик, она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тоблайдиган, иродани мустаҳкамлайди. Бу ерда тарбия топаётган ўсмирларимизнинг нафақат жисмоний ва тактик маҳоратини шакллантиришга, балки уларнинг руҳий-маънавий оламини ўстиришга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Бунинг учун масканимизда барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Биласиз, футбол мактабларида дарс ва машғуллотлар бевосита «яшил майдон»да кечади. Тажриба, маҳорат ҳамда кўникмани шакллантиришда ўртоқлик учрашувларининг аҳамияти катта. Шу жиҳатдан Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Футбол федерацияси кўмағида мактаб тарбияланувчилари учун мунотазам равишда мамлакатимизнинг «Пахтакор», «Бунёдкор», «Локомотив» каби номдор футбол жамоалари билан турли ёш тоифаларида ўртоқлик учрашувлари ташкил этиб келинаётгани таҳсинга лойиқдир.

— Тактик тайёргарлик машғуллотларини ниҳоятда қизиқарли, жонли олиб боришга интиламиз, — дейди мураббий Бекзод Муқимов.

— Уларда миллий футболимиз пешқадамларидан тортиб, жаҳон футбол юлдузларининг ўзини вақтидаги ҳар бир хатти-ҳаракатлари, тўп билан муомаласини сиңич-лаб ўрганишга, муҳокама қилишга эътибор қаратамиз. Бугунги ёшларимиз шижоати, иқтидорини кўриб, бир мураббий сифатида, очиги, қойил қоламан. Ишончимиз комилки, ўзбек футболнинг эртаси янада ёруғ. Шогирдларимиз, албатта, юксак марраларга эришадилар.

... Футбол майдони гавжум. Гуруҳнинг навбатдаги машғулоти — ҳужумчи ва дарвозабонлар қарама-қаршилиги маҳоратли мураббий Андрей Снетков назорати остида давом этмоқда. Ўқувчи жарима тўпини тепишга ҳозирланаяпти. Дарвозага чамаси 30 метр. Ҳўштак чалинди, зарба берилди. У қанчалик аниқ ва тезкор бўлмасин, гол қайд этилмади. Чунки бу сафар дарвозани мактабнинг яна бир иқтидорли ўқувчиси Хусниддин Насриддинов қуриқлаётганди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.
Шоҳмурот ШАРАПОВ олан суратлар.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидега ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақдир этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани суд ижрочилиари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2015 йил 14 декабрдаги № 23-1509/12244-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тўртқўл тумани, «Уллубоғ» ОФЙ худудида жойлашган, ер майдони 458,78 кв.м., фойдаланиш майдони 411,42 кв.м. бўлган 6 хонали маҳалла гузари биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 325 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 17 февраль куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00

Савдо ўтказиладиган манзил:
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри,
А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.
Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон давлат консерваторияси
куйдаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

Профессор: Эстрада хонандлиги — 1.
Катта ўқитувчи: Мусика назарияси — 1, Аънавий ижрочилик — 1, Халқ чолғуларида ижрочилик — 1.
Ўқитувчи: Халқ чолғуларида ижрочилик — 1, Мусика педагогика — 1, Академик хонандлик ва опера тайёрлови — 1, Мусика тарихи ва танқид — 1, Камер мусика ва журналистик маҳорати — 1, Ижтимоий-гуманитар фанлар — 1.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ҳамда аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-усулбий ва илмий тадқиқот ҳамда илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малага оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлимида қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

